

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
 Учкудуқ туман йўллардан фойдаланиш  
 унитар юрхонаси бош мухандиси  
 Ф.Каримов   
 2022 йил



## ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

2022 йил давомида Учкудуқ ТИФУКси объектларида жорий таъмирлаш ишлари  
 учун машина механизмлар хизмати  
 (танлов предметининг номи)

## УМУМИЙ ҚИСМ

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

**Учқудук туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси  
буюртмачилигига танловда иштирок этишига**

(пудратчи номи)

ни таклиф этади ва қуидаги объект буйича танлов таклифини тақдим этилишини **2022 йил давомида Учқудук ТИЙФУК обьектларида жорий таъмирлашишлари учун машина механизмлар хизмати**

(объектнинг номи)

Лойихани молиялаштириш: \_\_\_\_\_ маблағи хисобидан амалга оширилади.  
Танлов ғолибига вилоят (туман) ДСИ нинг кайси солик тўловчи турига қараб маблағлар тўланиши кўзда тутилган.

Буюртмачини бошланғич қиймати КҶС билан 200 000 000 сўм

КҶС сиз \_\_\_\_\_ сўм

Буюртмачи белгилаган ишларни тугатиш муддати \_\_\_\_\_ кун

Танловларда қуидагилар иштирок этиши мумкин:

Танлов шартларига асосан танловда катнашиш истагини билдирган махаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари, корхона ва фирмалар;

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қуилади:

танлов предмети қийматининг камидаги 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшашиб обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблаги микдори.

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади. (ТАНЛОВЛАР АХБОРОТ ЖАДВАЛИФ(ТАЖ) га каранг).

Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар «Танлов иштирокчилари учун Йўриқнома»да акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш ~~учун~~ буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи лойиха хужжатларини, шунингдек график қисмини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон вариантни)ни танлов иштирокчисига унинг биринчи талаби бўйича беришга мажбур.

Танлов предмети бўйича танлов хужжатларини танлов ташкилотчиси – Учқудук туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг офисидан 2022 йил «13» январ кунидан соат 9-00 дан 17-00 гача олай мумкин.

Контакт телефони: Тел/факс +998553514001 Учинчи шахслар томонидан танлов хужжатлари пакетини тўлаш таъкидланади. Танлов хужжатларини сотиб олиш ҳакидаги мурожаатлар юкоридаги манзилга жўнатилади.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юкоридаги манзилда соат 8-30 дан 17-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчисига таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддати – оферталарни очиш кун ва вакти кўйидаги манзилда: Учқудук тумани Йўлчилар кўргони 1 ўй

Иштирокчилар томонидан танловга таклифларни тақдим этилиши, уларни лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари)ни ўрганиб, моҳиятини тушунганлиги, иш хажми, курилиш маҳсулотлари, конструкцияси, ҳамда лойихада кўрсатилган бошқа шартлар билан танишиб чиқсанлигини тасдиқлайди.

Таклифларни очиш хабарнома юборилган санадан (эълон чоп этилган кундан) бошлиб (10) кун муддатдан кўп бўлмаган муддатда бўлиб ўтади.